

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ ҚЎШИНЛАРИНИНГ
ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАРДА ФРОНТ ОРТИ
ТАЪМИНОТИ ВА АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЪМИНОТНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИ**

Бекназаров Асқар Сабитович

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Академияси Ҳарбий
Хавфсизлик ва Давлат Мудофааси факультети 2-босқич
тингловчиси (сиртқи) подполковник
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10046085>

ARTICLE INFO

Received: 19th October 2023

Accepted: 26th October 2023

Online: 27th October 2023

KEY WORDS

Федерал қўшинлар, қўшинлар
таъминоти, озиқ-овқат
таъминоти, ёнилғининг
сарфланиш меъёри, амалий
тажриба, ахлоқий-руҳий
таъминот, ахлоқий - руҳий
ҳолат.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Россия федерацияси Қуrolли Кучлари федерал қўшинларининг Шимолий Кавказ минтақасида жанговар ҳаракатлардаги фронт орти таъминотини ва ахлоқий-руҳий таъминотни ташкиллаштириш бўйича тажрибалари, жанговар ҳаракатларда фронт орти таъминотини ҳамда ахлоқий-руҳий таъминотни ташкиллаштириш бўйича камчиликлар ва ташкиллаштириш ва олиб боришнинг таҳлили, хулосалари хусусида сўз юритилади.

Замонавий қуrolли мажороларда ҳорижий давлат қуrolли кучларининг моддий таъминотини ташкиллаштириш тажрибалари ўрганишда олдимизда қайси давлатларнинг тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва ўрганиш давомида чиқарилган хулосалар бизнинг Қуrolли кучларимизни жанговар салоҳиятини оширишга таъсир кўрсата оладими, уларнинг қарашлари, уларнинг моддий таъминот тизимининг ишлаш механизми бизнинг Қуrolли кучлар моддий таъминотига мос келадими деган саволларга жавоб топиш муҳим масала ҳисобланади. Ҳўш, ушбу масалани ҳал қилишда қайси давлатларнинг тажрибасини ўрганамиз, қайси стратегик райондаги давлатнинг, НАТО давлатлариними, Европами, Шарқ ёки Ғарб мамлакатларининг тажрибасиними?

Албатта ушбу масалани ечишда биринчи навбатда жанговар ҳаракатларни олиб борган, унинг моддий таъминотининг ташкилий штат тузилиши, моддий таъминотни ташкиллаштириш воситалари (техника, ташиш етказиб бериш воситалари), жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳудуди, шароитлари ва бошқа бир неча омилларни ҳисобга олишимиз лозим.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда Россия Федерациясининг жанговар ҳаракатлардаги моддий таъминотини тажрибасини ўрганиш мақсадга эришишнинг энг тўғри йўли ҳисобланади.

Россия Федерациясининг моддий таъминоти қўшинлариларнинг тажрибаси Ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучлари моддий таъминоти учун жуда муҳим ҳисобланади. Муҳимлигини асослаш учун айрим илмий омилларни мисол келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда моддий таъминот бўлинмаларимиздаги мавжуд



асосий техникалар қаерда ишлаб чиқарилган, бўлинмаларни таркиби қурол-аслаҳаси, ташкилий штат тузилиши қайси давлатнинг моддий таъминот бўлинмаларига яқин эканлигини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мана шундай бир қатор омилларни ҳисобга олиб Россия Федерацияси Қуролли кучларининг қуролли мажоролардаги моддий таъминот тажрибаларини ўрганиш ушбу соҳани такомиллаштиришдаги асосий йўл ҳисобланади.

Россия Федерацияси Федерал қўшинларининг 1994-1996 йиллари биринчи ва 1999-2001 йиллари иккинчи ҳарбий кампаниялари Шимолий Кавказ минтақасида кенг қамровли операциялар олиб борди. Операцияларининг дастлабки босқичида Шимолий Кавказ ҳарбий округининг оператив (округ) фронт орти таъминоти асосий қисмлари ва муассасалари маълум бир сабабларга кўра (йўл, комендантлик, кўприк) унинг хизмат кўрсатиш жараёнида тўлиқ қатнаша олмади. Округ қўшинлар туркуми таркибига олдиндаги ҳаракатларда қатнашиш учун фақатгина Шимолий Кавказ ҳарбий округидан эмас, балки бошқа округ ва флотлардан турли хил жиҳозланган, қуролланган ва турли жанговар шайликдаги бирлашмалар, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар келиб қўшилди [1].

Муаммолардан энг каттаси бу қўшинларни жанговар ҳаракатларга тайёргарлик ва уларни жанговар ҳаракатлар ҳудудига ташишиш вақтидаги кечикишлар бўлди.

Волгоград-Моздок йўналишида алоҳида темир йўл станцияларининг (Бетон, Прудбой, Кизляр) юкланиш ва тушириш қуввати этишмовчилиги, бирлашма ва қисмларни кўрсатилган ҳудудга ўз вақтида етиб боришига имкон бермади. Улар кўрсатилган ҳудудларга 1-2 кунлик кечикиш билан етиб келишди, бу эса фронт орти таъминоти тайёрлаш вақтини сезиларли даражада камайтирди. Оммавий ҳарбий ташишни амалга ошириш таҳлили шуни кўрсатадики, қўшинларни ташишни ўргатишга етарли эътибор берилмаганлиги, темир йўл вагонларига ҳарбий техникани жойлаштириш ва маҳкамлаш бўйича амалий кўникмаларни етишмаслиги оқибатида эшелонларни юклаш вақти 34 соатдан 38 соатни ташкил қилди. Аслида бу вақт кўрсаткичи меъёр бўйича 3-6 соат этиб белгиланган эди [1].


Эшелонларнинг тушириш вақтлари ҳам меъёрдаги вақтларга тўғри келмаслигини кўрсатди. Эшелоннинг туширилиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Вақт кўрсаткичи меъёр бўйича 3-6 соат, лекин амалда ҳарбий эшелонлар 19 - 30 соат туширилди [1].

Жанговар ҳаракатлар вақтида мана шу каби муаммони олдини олиш мақсадида биринчи ўринда қўшинларни юклаш ва тушириш меъёрий вақтларни қайта кўриб чиқиш, қўшинларни бу борада тайёргарлигини ошириш, яъни йилида камида икки марта ёзги ва қишги мавсумда техникаларни юклаш ва тушириш борасида кўргазмали машғулотларни ташкиллаштириш ва ўтказиш лозим. Ҳарбий қисмларда (ўқув дала майдонлари ва марказларида) темир йўлларга юклаш ва тушириш ўқув майдонини жиҳозлаш ва амалий машғулотларни тизимли ташкиллаштириш кераклигини кўрсатмоқда.


Россия Федерацияси Федерал қўшинларининг моддий ресурсларни етказиб бериш ва истеъмол килишни таҳлили фронт орти таъминотининг бирлашма ва қисмларининг ташиш имкониятлари ва ташкиллаштиришда бир қатор



камчиликларни очиб берди. Айниқса, биринчи чечен кампанияси даврида моддий воситалар сарфланиши (белгиланган заҳираларнинг сақланишини ҳисобга олмаган ҳолда) белгиланган меъёрдан ошиб кетди (1-расм) ва иккинчи чечен кампаниясида эса бу кўрсаткичлар нисбати ўзгарди (2-расм). Россия Федерацияси Қуролли кучлари моддий таъминоти бошқармаси моддий воситаларни ташиб етказиб бериш учун бошқа округлардан транспортларни жалб қилишга мажбур бўлган [3].



1- расм. Биринчи Чечен кампаниясидаги моддий воситалар сарфи (минг тонна)



2- расм. Иккинчи Чечен кампаниясида моддий воситаларни етказиб бериш (минг тонна)

Жанговар ҳаракатлар давомида заҳираларнинг бир қисми ер устида сақланди, айниқса операциянинг якуний босқичида душман қўшинларининг кўчиши ва доимий ҳаракатлари туфайли заҳираларни етказиб бериш қийинлашди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун округ қўшинлар туркумининг фронт орти таъминоти бошлиғи заҳирасидан кўшимча воситаларни ажратиш орқали ҳал этилди, бу эса зарур ҳолларда бошқа бирлашма ва ҳарбий қисмларни таъминлаш манфаатларига зарар етказди.

Округ қўшинлар туркумини дала шароитида озиқ-овқат таъминотини ташкиллаштиришда нон билан таъминлаш таҳлили шуни кўрсатадики, қуролланишда



бўлган 1950 йилларда ишлаб чиқарилган дала нон заводларининг ишлаб чиқариш қувватининг пастлиги, автоматлаштирилган даражаси камлиги, қўзғалмаслиги ва ишга тайёрлашда кўп вақт сарф этиши (4-5 соат) қўшинларнинг замонавий талабларига жавоб бермади. КП-125, КП-130 типдаги ошхона прицеплари ва ПАК-200 ошхона автомобиллари жанговар вазиятларда шуни кўрсатдики, улар конструктив тавсифлари (паст ўтувчанлиги, юк кўтариши, ишончлилиги) бўйича йўлсиз ва ўтиш қийин жойларда ҳаракатланишга яроқсиз эканлигини намоён қилди [1].


Операциянинг якуний босқичларида манёврли жанговар ҳаракатларни олиб бориш вақтида прицепли ошхоналарни ишлатишда ҳам катта кечикишларга олиб келганлигини кўриш мумкин. Овқатни тайёрлашда атмосфера ҳавоси, чанг тупроқ, (қисқа тўхташлар вақти штатдаги чодирлар озиқ овқат пунктларини ёйишнинг иложи йўқлиги) овқат тайёрлашга салбий таъсир кўрсатди. Ҳамда ошпазларнинг иш шароитларини анча мураккаблаштирган ва айрим ҳолларда озиқ-овқат билан заҳарланишига сабаб бўлган.

Автомобил колонналардаги ва ҳарбий техника экипажларининг ҳайдовчилари учун овқатланиш масаласи охиригача тўлиқ ҳал этилмаганди. Ҳайдовчилар эрталаб соат 7-8 да рейсга чиқиб, 7 соатдан 9 соатгача (баъзан ундан ҳам кўпроқ) йўл юриб кун бўйи иссиқ овқатсиз қолишган. Ҳарбий техника экипажлари озиқ-овқатларни иситиш учун кичик ҳажмли овқат иситиш мосламалари бўлмаганлиги, улар 3-7 кунлаб қуруқ овқат билан юришга мажбур бўлишган. Иссиқ овқатни консервланган ва концентрланган овқатлардан тайёрлашда шу каби муаммолар юзага келди. Бундан ташқари, фронт орти қўшинларнинг бўлинмаларида тез бузиладиган маҳсулотлар ва нонларни сақлаш учун замонавий техник воситалар мавжуд эмас эди [3].

Шимолий кавказ минтақасидаги жанговар ҳаракатларнинг озиқ-овқат таъминотининг тажрибаси шуни кўрсатадики, уруш шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини анъанавий усулда (янги ва консерва маҳсулотларида ошхонада иссиқ овқат пишириш) амалга ошириш қийинчиликлар туғдиришини ҳисобга олиб тез тайёр бўладиган ярим пишган якка тартибдаги ва гуруҳий озиқ овқат билан таъминлашга ўтиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари доимий шайликдаги бригада, батальон тактик гуруҳлари таркибида моддий таъминот бўлинмаларида озиқ-овқат маҳсулотларини ёзда ва қишда дала шароитида сақлаш учун мўлжалланган техникаларини киритиш вақти келганлигини хулоса қилиш мумкин. Масалан, замонавий ўзимизда ишлаб чиқариладиган музлатгичли автомобиллар ишлаб чиқаришни ҳарбийлаштириб, штатларга киритиш ёки мавжуд техникаларга янгича қилиб жиҳозлаш лозим.

Маҳаллий операцияларни ўтказиш учун ажратилган моддий ресурслар сарфларини белгилашда, уларнинг реал ҳаракатлардаги сарфи уларни сарфлаш учун белгиланган ўртача кунлик сарфидан ва режалаштирилганидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Мисол учун, жанговар операциялар даврида ўртача кунлик ёнилғи истеъмоли қуйидагича бўлди:



автомобил бензини (АБ) учун 0,4-0,45 тўлдириш, дизел ёкилғиси (ДЁ) учун 0,5-0,55 тўлдириш, лекин Россия Федерацияси Куролли кучлари қўшинларида кунлик ёнилғи сарфлаш меъёри раҳбарий ҳужжатлар талабига асосан АБ – 0,22 ва ДЁ - 0,27 тўлдириш эди. Бугунги кунда бизнинг қўшинларда бу кўрсаткичлар АБ – 0,3 ва ДЁ – 0,5 тўлдириш этиб белгинган (3-расм). Бундан кўриниб турибдики, жанговар операцияларни таъминотини режалаштришида фақатгина раҳбарий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олиш эмас, балки амалдаги таъсир этувчи омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур эканлигини кўрсатмоқда. АБ ва ДЁ сарф қилишнинг ортиши нафақат қийин йўл шароитларига боғлиқ, балки жанговар транспорт воситаларининг кўп йиллар мобайнида ишлатилмаганлиги, биринчи навбатда иситиш тизимларнинг носозлиги, тўхтагандан сўнг машиналарнинг қайта ўт олмаслиги (аккумулятор батареяларнинг ҳолати қониқарли даражада эмаслиги) сабаб бўлди. [1].

3- расм. Жанговар ҳаракатларга ёнилғининг сарфланиш меъёри

Ўтказилган операциялар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, муваффақиятга эришиш учун жангчиларни нафақат фронт орти таъминотини, балки уларнинг ахлоқий-руҳий таъминотини ҳам амалга ошириш муҳимдир.

Ахлоқий - руҳий таъминот - бу ЎР ҚК бошқарув органлари, қўмондонлар (командирлар, бошлиқлар), штаблар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари, бошқа бошқарув органлари ва мансабдор шахслар томонидан шахсий таркибнинг ҳар қандай вазиятларда қўйилган вазифаларни сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган юқори ахлоқий-руҳий ҳолати ва бошқа сифатларини шакллантириш, сақлаб туриш ва тиклаш бўйича мақсадлари, вазифалари, жойи, вақти, кетма-кетлиги, жалб қилинадиган куч ва воситалари бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатлар мажмуидир. [5].

Ахлоқий - руҳий таъминот ҳарбий ҳаракатларнинг бошқа оператив (жанговар), фронт орти ва техник таъминот турлари билан чамбарчас боғланган.

Ахлоқий - руҳий ҳолат - бу шахсий таркибнинг атроф-муҳит омили ва шароитлари, кўмондонлар (командирлар, бошлиқлар), тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари таъсири остида шаклланган, ҳарбий (махсус) ҳаракатлар давомида жанговар вазифаларни минимал психоген талофатлар билан муваффақиятли бажариш мақсадида вазиятнинг мураккаб шароитларида мардонавор ҳаракатларини намоён қилувчи ахлоқий ва руҳий тайёргарлиги, яъни руҳий қобилятининг йиғиндисидир. [5].

Россия Федерацияси Федерал кўшинларининг Шимолий Кавказда олиб борган операциясининг ахлоқий-руҳий таъминоти борасида ҳам бир қатор хусусиятлар намоён бўлди. Операция давомида шахсий таркибда барқарор ахлоқий-руҳий ҳолатни шакллантириш ва уни сақлаб қолиш мақсадида, тезкор ахборот етказиш борасида куйидаги тадбирлар ўтказилди.

"Красная Звезда" газетасининг кўшимча нусхаларини 2000 нусха миқдориди ва "Россия" газетасини 6000 нусха миқдориди кўшимча чоп этилиб, уларни тезкор етказиб бериш бўлимлари ташкил этилди. Бундан ташқари, ҳар бири 600 нусхадан иккита ахборотнома чиқарилиб, операцияда иштирок этаётган маҳаллий аҳоли ва ҳарбий хизматчилар учун 10 турдаги варақалар тайёрланиб, ҳар бири 500 нусхадан муомалага чиқарилди.



Россия қуролли кучлари ТИББ (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси) ходимлари Россия Федерацияси президенти матбуот хизмати ва ахборот бўлими вакиллари билан ҳамкорликда 2008 йилнинг 12 августидан 24 августигача бўлган даврда, умумий давомийлиги 480 дақиқа бўлган 42 та ахборот дастурини, ҳар бири 1 соат давом этадиган "Россияга хизмат кўрсатиш" дастурининг иккита махсус сонини тайёрлаб, эфирга узатдилар. [3].

Россия Федерациясининг Қуролли Кучларини Чеченистондаги можаро ҳудудига фронт орти таъминотини ташкиллаштиришдаги тажрибалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, Россия Федерациясининг Қуролли Кучлари кўшинларини кўчиришни режалаштириш ва ташкиллаштириш вақтидаги тажрибасини айрим жиҳатларини алоҳида таҳлил қилиб уларни ҳисобга олиш лозим. Фронт орти таъминоти қисм ва бўлинмалари белгиланган ҳудудга жанговар бўлинмалардан олдинроқ етиб келишган. Фронт орти таъминот органларининг вакиллари эса анчагина илгарироқ юборилган,



улар зиммасига ташкиллаштириш, қўшинларни барча таъминот турларига қўйиш саволлари, ҳудудда жойлашиши ва бошқа вазифаларни ҳал этиш юклатилган.

Россия Федерацияси Қуролли Кучлари фронт орти таъминотида кўп тармоқларга бўлиниб аутсорсинг тизимига ўтказилганлиги кўпроқ харажат талаб этсада, лекин қўшинлардаги ҳарбий хизматчилар фақат жанговар тайёргарлик билан машғул бўлишини таъминлайди.

References:

1. <http://miliatryacticle.ru/> Наука и Военная безопасность №3/2006 51-54 бет. (мурожаат санаси 2019 йил)
2. <http://miliatryacticle.ru/> Вестник Академии военных наук №6/2005 43-49 бет. (мурожаат санаси 2019 йил)
3. <http://cigr.net/> Анализ опыта боевых действий в Чечне (г.Грозный) (мурожаат санаси 2020 йил)
4. <http://miliatryacticle.ru/> Доклад бывшего начальника штаба Северо-Кавказского военного округа (СКВО) генерал-лейтенанта В. Потапова (стр.1-19).
5. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ахлоқий-руҳий таъминот Концепцияси. // Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2019 йил “ 2 ” февралдаги ққ-2 - сон қарорига илова.